

**Ўқув жараёнида мобил таълимнинг афзаликлари
Эшназарова Маргубахон Юнусалиевна, НамДУ педагогика фанлари
номзоди, доцент**

Мадаминжонов Акбаржон Дилшод угли, НамДУ 1-курс магистр

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мобил таълим, унинг афзаликлари ҳамда мобил технологиялардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати келтириб ўтилган.

**Преимущества мобильного обучения в процессе обучения
Эшназарова Маргубахон Юнусалиевна, НамГУ кандидат
педагогических наук, доцент**

Мадаминжанов Акбаржон Дилшод угли, НамГУ, магистр 1 –ого курса

АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждается мобильное образование, его преимущества и использования мобильных технологий.

**Benefits of mobile learning in the learning process
Eshnazarova Margubaxon Yunusaliyevna, NamSU Candidate of Pedagogical
Sciences, Associate Professor
Madaminjanov Akbarjon Dilshod ugli, 1st year master at NamSU
ANNOTATION**

This article discusses mobile education, its benefits, and the use of mobile technology.

Ҳозирги вақтда ёшларни кун давомида мобил телефонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшлар ихтиёрий жойда, ихтиёрий вақтда турли хил ахборотларни қабул қилиш имконига эгадирлар. Лекин ёшларимиз бундай имкониятлардан тўғри мақсадда фойдалана олишяптими?

Таълим жараёнида мобил қурилмалардан фойдаланиш таълим оловчиларни мотивациясини оширишга, мустақил ўзлаштириш кўникмасини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу эса таълимга мобил ўқитишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Мобил ўқитиш - бу мобил технологияларни қўллаган ҳолда, якка, гуруҳли ва жамоали таълим олишнинг дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятларини ўз ичига бириктириш имкониятига эга бўлган таълим олишнинг маҳсус шакли.

Мобил таълим - бу ихчам, кўчма, мобил қурилмалар ва технологиялар орқали мунтазам равища олиб бориладиган фаолият бўлиб, таълим оловчиларга ахборот олиш ёки яратиш, мулоқот қилиш орқали таълим жараёнини янада самарали бўлишига имкон беради[3].

Мобил таълимнинг афзаликлари қўйидагилардир:

1. Таълим олувчиларга жойни эркин ўзгартириш имкониятини беради;
2. Имконияти чекланган таълим олувчиларга мобил воситалардан фойдаланган ҳолда ўқиш имкониятини беради;
3. Шахсий компьютер ва қофозли ўқув адабиётига эҳтиёж бўлмайди;
4. Замонавий симсиз технологиялар ёрдамида фойдаланувчилар орасида ўқув ресурслар тарқалиши енгиллашади (WAP, GPRS, EDGE, Bluetooth, Wi-Fi);
5. Мобил ўқитишда мультимедияли контентдан фойдаланилади, яъни, ахборотлар турли шаклларда ифода этилади: матнли, график, овозли;
6. Иштирок этишни назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги (Иштирокни мониторингқилиш);
7. Таълим жараёнининг руҳлантирувчи (мотивацион) характергаэгалиги;
8. Таълим олувчиларнинг билим даражасини бир хил назоратқилиш;
9. Ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш;
10. Таълим олувчиларнинг шахсий психологик ва физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашишда мобил қурилмаларнинг мослашувчанлиги (Индивидуал ёндашув).

Шундай ҳолатда таълим олувчиларда ўқув ресурсини ўзлаштириш ва эслаб қолиш самарадорлиги ошади, таълим олиш мотивацияси ривожланади. Агарки таълим олувчиларда топшириқларни бажаришга қизиқиш бўлса, бундай ҳолда ихтиёрий ўқитувчи аудитория жонланиши, таълим олишга мотивация ривожланиши ҳамда ўзлаштириш самарадорлиги ошишини ҳеч иккиланмасдан айта олиши мумкин бўлади.

Ю. Шишковская[2] мобил қурилмалардан таълим мақсадларида фойдаланишнинг бир неча йўли ҳакида гапирганда қўйидагиларни санаб ўтган:

Биринчидан, мустақил таълим олиш: Бунда, мобил таълим технологиялари асосида материаллардан фойдаланишнинг қулайлиги ва соддалиги, интерактивлик ҳамда ўз ўзини бошқариш ва ўзини ўзи баҳолаш имконини берувчи маҳсус иловалар мавжудлиги учун мустақил таълим олиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, M-Learning ғоялари таълим тизимида, шунингдек, олий таълим муассасаларида анъанавий ўқув жараёнида ҳам бирдек қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, мобил таълим масофавий ёки корпоратив ўқув курсларига самарали тўлдирувчи вазифасини ўташи мумкин.

Британия Очиқ университети профессори Майк Шарпалз ўз илмий тадқиқот ишларида мобил таълимни таҳлил этиб келган. 2002 йил Бирмингем

шахрида Майк Шарпалз ўз маърузасида мобил таълимнинг 3 та негизи хақида тўхталиб ўтади: Construction, Conversation and Control. Яъни, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги тушунишни яратиш, улар ўртасидаги сўзлашув ва ўкув жараёнини ўқитувчи томонидан назорат қилиш.

Тадқиқотга кўра ЮНЕСКО томонидан мобил ўқитишни бир қатор афзалликлари таҳлил этилган[4]:

Бир зумдаги тескари алоқа ва ўқитиш натижасининг баҳоси.

Мобил технологиялар ўқитиш натижасини баҳолаш жараёнини тезлаштиради ҳамда талаба ва ўқитувчиларга эришган муваффақиятларини тезроқ кузатиш имкониятини беради. Олдинги вақтларда таълим олувчилар ўз билимларига қўйилган баҳоларни, такриз ва тавсияларни узоқ муддат кутишга тўғри келарди. Ҳозир эса мобил қурилмаларнинг интерактив функциялари ёрдамида баҳолаш жавоблари бир зумда чиқиши амалиётда қўриниб турибди.

Баҳолар тўғрисидаги ҳужжатларни йиғиш, таҳлил этиш, тақсимлаш жараёнини автоматлаштириш натижасида мобил технологиялардан фойдаланиш педагогларнинг иш унумдорлигини оширади. Талabalар билимини тезкор баҳолайдиган мобил иловаларга Plickers, Socrative ларни келтириш мумкин.

Ихтиёрий вақтда ва ихтиёрий жойда таълим олиш.

Мобиллаштиришда 2 та асос мавжуд: биринчи томондан, педагог жисмонан таълим муассасасида қатнаша олмаса, таълимий дастурларни педагогнинг ихтиёридаги жойда амалга ошириш имконияти мавжуд. Иккинчи тарафдан эса, замонавий технология, айниқса берилганларни булатли сақлаш тизими ёрдамида таълим олиш имкониятини беради. Бундай ҳолатда таълим олувчи шахсий мобил қурилмасини алмаштириши мумкин, лекин унинг барча ўкув материалларига булатли сақлаш тизими асосида фойдаланиш рухсати бўлади. Бундан ташқари топшириқларни бажаришда турли техник қурилмалардан фойдаланиши ҳам мумкин.

Имконияти чекланган талabalарга ёрдам.

Матнни масштабини катталаштириш, овозли транскрипция, матнни овозга ўзгартириш ва геолокация қилиш каби мобил технологияларнинг афзалликлари имконияти чекланган талabalарни таълим олиш самарадорлигини оширишда ёрдам беради.

Cambridge to Africa ташкилоти («Кембридждан – Африкага») Угандадаги эшлитиши чекланган талabalар учун маҳсус дастур ишлаб чиқди. Талabalар ўкув дастури билан танишади ҳамда мобил қурилма ва инновацион SMS – тизим ёрдамида ўқитувчилар билан ҳамкорликни ўрнатади.

Бошқарув ва коммуникация сифатини ошириш.

Оддий алоқа операторларидан кўра мобил қурилмалар ёрдамида хабарлар

тезроқ, ишончлироқ, сифатлироқ ва камҳаражатли бўлиб етказилиши муносабати билан таълим олувчи ва педагоглар ахборот алмашишда кўпинча мобил қурилмалардан фойдаланиб келишмоқда. Педагоглар талабалардан топшириқларга жавобларни, ота-оналар эса ўз фарзандларининг ютуқлари бўйича маълумотлардан хабардор бўлиб туришлари мумкин бўлади. Шунга кўра таълим муассасаларда мобил таълимни ташкил этиш учун йилда 365 кун, ҳафтада 7 кун, суткада 24 соат веб браузерлар, веб мижоз, махсус мобил иловалар орқали муассасанинг барча ахборот ресурсларига рухсат бўлиши, шунингдек, таълим муассасаси худудида Интернет ва ахборот ресурсларига хавфсиз киришни таъминлаш лозимдир.

Мобил таълим дарс машғулотларини ташкил этиш шароитини таълим муассасаси имконият даражасидан кенгайтира олиш, таълим олиш вақтини белгиланган чегараларидан ҳам ошираолиш имконини беради. Афсуски, ҳар бир таълим олувчига компьютер ва Интернет тармоғига кириш имкониятини яратиш учун таълим муассасасидан катта маблағ талаб этилади.

Аммо ёшларнинг аксариятида телефон бор, бу эса ўқитишни ўзгартириш, таълим олиш шароитларини яхшилаш учун ҳақиқий имкониятдир. Бу ҳаттохи, таълим олувчиларнинг уйдан туриб таълимий ресурсларга эга бўлиши, ўқитувчилар билан мулоқот қилиши ва онлайнда жамоавий тарзда тенгдошлари билан ишлаш имконини беради. Таълим жараёнида мобил қурилмаларнингқиймати таълим олувчиларнинг рақамли таълимга йўналтирилган ресурслардан фойдаланиши, мулоқот қилиши, ҳамкорлик қилиши ва яратиш имконини бериши билан баҳоланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Трахлер.Ж. Surrent state of mobile learning \ Mobile learning: Transforming the Delivery of Education and Training.- 2009.([http://www.aupress.sa\index.php\books\120155](http://www.aupress.sa/index.php\books\120155))
2. Шишковская.Ю. Электронные учебники: рекомендации по разработке, внедрению и использованию интерактивных мультимедийных электронных учебников нового поколения для общего образования на базе современных мобильных электронных устройств. - М.: Федеральный институт развития образования, 2012.
3. Эшназарова М. Мобиллик - олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида. НамДУ Илмий ахбороти №12, Наманган, 2019 йил, -327-332.
4. Эшназарова М. Некоторые требования и принципы мобильного обучения. НамДУ Илмий ахбороти №2, Наманган, 2019 йил, -Б. 270-274